

ХОМ ИПАК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚОТИ

Ш.А.Сулаймонов-Доцент

М.П.Сулаймонова-тадқиқотчи

Республикамиз мустақиллиги шароитида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда пилла ва хом ипакнинг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи илғор давлатларда ишлаб чиқарилаётган хом ипак сифати халқаро андозаларнинг 5А ва 4А синфларига мансуб бўлиб, жаҳон бозорида уларни бир килограми 30-35 АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Республикамиз пиллакашлик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган хом ипак сифати эса В ва С синфга мансуб бўлиб, 1 килограмми 15-16 доллардир. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг сифатини пастлиги ипак корхоналарининг техник даражасини юқори эмаслиги, ипакчиликнинг деярли барча соҳасида қўлланилаётган технологик жиҳозларни эскирганлигида бўлса, иккинчи асосий сабабларидан бири, бу етиштирилаётган пилла сифатининг пастлигидир.

Ипакчилик корхоналарининг самарали ишлаши, тайёрланаётган тўқималар, трикотаж, жарроҳлик иплари ва бошқа техник буюмларнинг турлари ҳамда улардан олинadиган фойда хом ипакни бир нечтасини кўшиб, ҳар хил миқдордаги бурамлар бериш ёки ўриш орқали ипларни қайта ишлаш жараёнидаги технологик хусусиятларини ўзгартириб, уларни сифатини талаб даражасига мослашига боғлиқдир.

Жарроҳлик ипига ишлатиладиган хом ашёни халқаро стандарт талабига жавоб берадиган даражада тайёрлаш мақсадида биз 30 кг олинган ҳар иккала куруқ дурагай пиллаларидан 15 кг дан тоза, нуқсонсиз, доғсиз пиллаларни саралаб олинади ва 115 м/мин тезликда 2,33 ва 3,23 тексли хом ипак ишлаб чиқарилди. Назорат учун оддий ишлаб чиқариш шароитида сараланган пиллалардан чувиб олинган хом ипак кўрсаткичлари таҳлил этилди.

Жарроҳлик ипларига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон-6 ва Хитой дурагайи пиллаларидан олинган хом ипакни технологик хусусиятлари тадқиқ этилди. Хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари асосий даражага бўлинади. Асосий кўрсаткичларга пилла ипининг чизиқли зичлиги бўйича нотекислиги, қайта ўралиш қобиляти ва йирик нуқсонлардан тозаллиги киради. Тадқиқотларда ўрганилган икки дурагай куруқ пиллаларидан чувиб олинган хом ипакнинг сифати Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги «Centexuz» синов-сертификатлаш лабораториясида

замонавий асбобларда ISA бўйича аниқланди. Олинган натижалар таҳлилидан кўриндики, жарроҳлик ипларини сифатига таъсир этувчи, чизикли зичликнинг вариация коэффиценти, нисбий узилиш кучи, узилишгача чўзилиши, жипслик кўрсаткичларининг “А” синф талабларидан паст. Бизнинг тажрибада қайта сараланган пиллалардан ишлаб чиқилган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари ISA халқаро стандарт талабларига мос келди ва ГОСТ 5618-80 талабларидан юқори бўлди.

Талабга кўра намуналар ҳарорати 20 ± 2 °С, нисбий намлиги $65 \pm 5\%$ бўлган хонада 10 соат сақланди ва синовдан ўтказилди.

Калавадан ғалтакка қайта ўралиш қобилияти хом ипакни асосий технологик хусусиятларидан бири бўлиб, хом ипакни таннархига ва узуклар чиқишига таъсир кўрсатади. Синашдан олдин намуна калаваларини ҳолати органолептик усулда текширилди ва ёпишган қисмлари бўлган калаваларга махсус эмульсия сепилди. Сўнг МТ-85 (Япония) русумли қайта ўраш дастгоҳида хом ипакни қайта ўралиш қобилияти 140 ± 5 м/мин тезликда ғалтакларга ўраб синалди. Узукларни ҳисобга олган ҳолдаги ўраш вақти 90 минутни ташкил этди.

Қайта ўралиш қобилияти хом ипак ипининг бир текислигига, унинг узилишга пишиқлиги ва чўзилувчанлигига, жипслигига, тозалигига, калаванинг ёпишганлигига боғлиқ бўлиб, узуклар сони тажрибада 7,0-7,0 ва 7,0-6,0 га тенг бўлди. Хом ипакни ҳақиқий чизикли зичлиги, вариация коэффицентини ҳисоблаш учун қайта ўралган ғалтаклардаги иплардан фойдаланилди. Ҳар бир ғалтакдаги хом ипакдан маълум узунликдаги калавачалар НМ-3 (Япония) русумли калавага ўровчи чархда ўралди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, ҳар иккала дурагай куруқ пиллаларидан чувиб олинган хом ипак намуналарини солиштирилганида чизикли зичлиги бўйича вариация коэффицентлари Ўзбекистон-6 4,7-5 % ва Хитой дурагайларида 4,5-4,7 % чувилган пиллаларда стандарт талабига мос йўғонлиги бўйича бир текис бўлган хом ипак чувиб олинди. Бу ўз навбатида тажрибадаги хом ипакнинг физик-механик хусусиятларини юқори бўлганлигини кўрсатди.

Хом ипакнинг узилиш кучига алоҳида пилла ипининг мустаҳкамлиги, уларнинг сони, серицинни ипларни ёпиштириш даражаси билан аниқланувчи пилла ипларининг ёпишқоқлик кучи, ипларнинг ўзаро ишқаланиш кучи ва намлигидан ташқари, чувиш усули ҳамда режими катта таъсир кўрсатади. Ёпишган ип, одатда, иссиқ сувда чувиб елимсизлантирилган ипдан мустаҳкамроқ бўлади. Пиллани чувиб олишда ипларни чирмаштириш унинг

мустаҳкамлигини оширади. Хом ипакнинг солиштирма мустаҳкамлиги пилла ипининг мустаҳкамлигидан юқори бўлади. Бунга биринчи сабаб, серицинни ёпиштирувчи хусусияти бўлса, иккинчи сабаб, бир нечта пилла ипи учларини қўшилиши натижасида узунлиги бўйича кўндаланг кесими нотекислигини камайишидир.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Alimova X.A., Akhunbabaev O.A., Gulamov A.E. Bezotkhodnaya technology proizvodstva i pererabotki naturalnogo syolka. // Znachenie integratsii nauki i reshenie actualnqx problem pri organization proizvodstva i predpriyatiyax tekstilnoy promyshlennosti: Tez.dok.mejd.nauch. practice conf. July 27-28, 2017. - Margilon 2017. Chast 1. -S. 13-17.
2. Sulaimanov Sharifjon Abdumanabovich Methods of preserving dry cocoons from dust and other factors using chemical preparations Journal Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 2021/5 №4 1120-1127 p, www.oriens.uz
3. R Alisher, S Sharifjon, R Akmal Study of the Influence of Silkworm Feeding Conditions on the Quality of Cocoons and Properties of the Cocoon Shell. J. Engineering, Scienttific Reserch Publishing №11 2019. 755-758 p.
4. Sulaymanov Sh. A. Primenenie khimicheskikh preparatov, izgotovlennyx iz otkhodov biokhimicheskogo zavoda pri proizvodstve kokonov // Bulletin of science and practice. 2019. T. 5.№3. S. 168-172. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/40/22>.
5. <https://www.oeko-tex.com/en/about-us/references/manufacturer-references>